

THE IMPORTANCE OF A FOREIGN LANGUAGE TEACHING IN THE DEVELOPMENT OF NEW UZBEKISTAN

Abdurakhim Abdimalipovich NASIROV¹
State quality control of education
Adviser to the Chief Inspector
Associate Professor of Uzbekistan
State University of World Languages
Doctor of Philological Sciences
nasirovabduraxim@mail.ru

Abstract

In recent years, there have been positive changes in the study and teaching of foreign languages in Uzbekistan. In 2013, the state educational standards of the system of continuing education were updated, approved and gradually introduced on the basis of CEFR – Common European framework of reference. It has been 8 years since then, and new reforms have taken place in the education system of Uzbekistan. Today, under the motto "New Uzbekistan - Towards a New Renaissance", great achievements are being made in the field of education. It is important that in the new stages of development of the country there is a growing need for personnel with a high level of knowledge of foreign languages in all areas, including the participation of foreign languages, international relations, economic, social, education, science, tourism, sports. Work is underway to improve the curriculum in foreign language learning, to ensure membership. This article provides feedback on this.

Keywords: Development, curricula, membership, repetition, textbooks, continuing education system, language learners, teachers, language reform.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚИЁТИДА ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдураҳим Абдимуталипович Насиров¹
Таълим сифатини назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи маслаҳатчиси
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллар университети доценти
филология фанлари доктори
nasirovabduraxim@mail.ru

Аннотация. Ўзбекистонда чет тилни ўрганиш ва ўргатиш борасида сўнгги йилларда ижобий ўзгаришлар бўлди. 2013 йилда узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартлари СЕФР – чет тилини ўрганишнинг умумевропа компетенциялари асосида янгиланиб, тасдиқланди ва босқичма-босқич жорий этиб келинмоқда. Бунга ҳам 8 йил бўлди, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон таълим тизимида янги ислоҳотлар бўлди. Бугунги кунда “Янги Ўзбекистон – янги Ренессанс сари” шиори остида таълим соҳасида улкан мэрралар белгиланмоқда. Мамлакат тараққиётнинг янги босқичларида чет тилларининг иштироки, халқаро муносабатлар, иқтисодий, ижтимой, таълим, илм-фан, туризм, спорт каби барча соҳаларда чет тилини юқори даражада биладиган кадрларга бўлган эҳтиёж ортиб бораётганлиги аҳамиятлидир. Чет тилини ўрганишда ўқув дастурларининг такомилаштириши, узвийлиги таъминланиши каби вазифалар устида ишланмоқда. Мазкур мақолада шу хусусида фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: Тараққиёт, ўқув дастурлари, узвийлик, тақрорланиш, дарслик, узлуксиз таълим тизими, тил ўрганувчилар, ўқитувчи, тил ислоҳотлари.

Янги Ўзбекистонда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш”, “Янги Ўзбекистон – янги Ренессанс сари” шиорлари остида таълим соҳасида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Таълим тўғрисидаги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, Мактабгача таълим тизимида 6-7 ёшли болалар учун стандарт жорий этилди, умумий ўрта таълим 11 йил этиб белгиланди, ўрта маҳсус таълим 3 йилдан 2 йилга туширилди, 2 йиллик касб хунар мактаблари ташкил этилди. Олий таълим тизимида сиртқи, кечки, масофавий таълим шакллари жорий этилди. Кредит модул тизими жорий этилмоқда, олий таълим тизими қамрови ошиб, халқаро андозаларга яқинлашмоқда.

Дунёда таҳминан 6500 та тил мавжуд бўлиб, уларда 189 та мустақил давлатда етти миллиарддан ортиқ киши гаплашади, улардан камида ярми 2 ва ундан ортиқ тилларда

мулоқатга кириша оларкан.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, илм-фан, техника, иқтисодиёт, спорт, туризмнинг ривожланиши, кўп маданиятли дунёда ёш авлоднинг рақобатбардошлиги уларни бир неча тилларда равон гапиришни ва уларни ўрганишни мажбур қиласди. Тилларни ўрганиш инсоният жамиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Ютбошимиз 2020 йил 30 сентябрда ўқитувчилар кунига бағишиланган нутқида шундай деган эди: "... бизнинг буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз вақтида икки эмас, тўртта тилни билишимиз керак, деб айтган, буюк аждодимиз Беҳбудийнинг ушбу даъвати бугунги кунда ҳам долзарбдир". [Мирзиёев Ш. 2020, № 37, 2-6 бет.]

Бу, аввало, она тилимиз, давлат тили ҳисобланмиш ўзбек тилини мукаммал билиш, бундан ташқари, мамлакатимизда ўқитиладиган чет тилларини: инглиз, немис, француз ва бошқа ғарбий ва шарқий тилларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш, узлуксиз таълим тизимида она тили, миллӣ тил ва чет элликларнинг тилларини ўргатиш концепцияларини яратиш дастурларни модернизация қилиш каби вазифаларни юклади.

Тиллар бир-бирлари билан оила аъзолари сингари боғлиқдир. Ўзбекистонда ўрганилаётган Европа тилларининг аксарияти ҳинд-европа тиллар оиласининг учта асосий гуруҳига киради: герман, роман ва славян. Герман тиллари оиласига инглиз, немис, швед, дания, исланд ва голланд тиллари, роман тилларига лотин алифбосидан фойдаланадиган француз, италян, испан, румин ва португал тиллари киради.

Муҳтарам Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонли қарорига кўра “Мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим ўқув дастурлари ва фанларнинг узлуксизлигини таъминлаш” вазифаси белгиланиб, [<https://lex.uz/docs/5085887>]унинг ижросига биноан тажрибали устозлардан шакллантирилган ишчи гуруҳ аъзолари томонидан узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари бўйича концепция ва ўқув дастурлари қайта ишланниб, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси порталига (www.uzviyilik.tdi.uz) умумхалқ муҳокамаси учун жойлаштирилди. Порталга 3000 га яқин таклиф ва мулоҳазалар келиб тушган ва бу жараён давом этмоқда. Ушбу фанлар қаторида чет тиллари инглиз, немис ва француз тилларидан чет тилини ўқитиш концепцияси ва ўқув дастурлари ҳам қайта ишланмоқда. Уларни таҳлил қилиш жараёнида 10-15 фоиз мавзулар тақрор бериладиганлиги, 25-30 фоиз мавзуларда узвийлик таъминланмаганлиги кузатилди.

Чет тиллари бўйича ҳам ўқув дастурлари мактабгача таълим тизимида “Илк қадам”

ва “Илм йўли” дастури таркибида, умумий ўрта таълим мактабларида Миллий ўқув дастурлари таркибида, Академик лицей ва касб ҳунар мактабларида ҳамда олий таълим тизимида филологик ва нофилологик йўналишда ўқув дастурлари шу кунларда такомиллаштирилмоқда, бу жараёнга кўплаб соҳа вакилларини ўзларининг фикрлари билан қатнашишмоқда.

Шу билан бирга Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва улар асосида яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг ўқувчи, талабалар томонидан ўзлаштиришларида бир қатор қийинчиликлар, мавзуларда тақорланишлар, таълим босқичлари ўртасида узлуксизлик, мавзулар ва нутқ компетенциялари орасида узвийлик таъминланмагани каби камчиликлар кузатилмоқда.

Шунингдек, мактаблар учун яратилган дарсликлар бир-бирининг мантиқан давоми эмаслиги, дарсликлар қайсиdir синфда жуда мураккаблашиб ёки яна бирида соддалашиб кетганини ҳам тил ўрганувчилар ва ўқитувчиларда саволлар туғдирмоқда. Улар қаторида, амалдаги 5-синф инглиз тили дарслиги “New Fly High 5” 4-синф инглиз тили дарслиги “Kids’ English 4” мазмун-моҳияти ва қийинлик даражасига нисбатан узвий боғланмаганини қайд этилган. 10-11-синф дарсликлари бугунги кун талабига мослаштирилган, ушбу дарсликларда талаб қилинган билим ва қўникмалар 6-9-синфларда шакллантирилмаган. Синфлар кесимида белгиланган билим, қўникма ва малака даражаларининг бошланғич синфлар учун белгиланган A1 даражаси талабини бажаришда ўқувчилар қийинчиликка учраши кузатилди.

ОТМларда эса чет тилларини ўқитишда фойдаландиган адабиётлар билан мақтана олмаслигимизни ҳаммамиз биламиз. Ким нимани топса шундан ўқитиб ётиди, бу қанчалик тўғри? Шундай экан ҳеч бўлмаса, ўқув дастурларни ягона меъёр асосида тартибга солиб олиш бугунги эҳтиёж деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда, **Янги Ўзбекистон тараққиётида чет тилларини ўқитишнинг аҳамияти катта бўлиб**, таълим тизимида, инсоннинг ривожланиши ва дунёвий билимларни эгаллашда мухим рол ўйнайди. Шунинг учун чет тилларини ўқитиш тизими давлат томонидан доимий равишда такомиллашиб бормоқда. Натижада ёшлар дунёдаги нуфузли университетлар талабалари ва халқаро танловлар лауреатлари бўлишмоқда. Келгусида ушбу натижаларга эришиш учун ёшларни Ўзбекистон Республикасининг янада ривожланишига ҳисса қўшишга қодир мутахассислар сифатида тайёрлаш асосий мақсадлардан бири бўлиб қолаверади.

Инсон чет тилларни қанчалик кўп билса, унинг дунёни англаш имкониятлари ҳам кенг бўлади. Инсон ўз она тилини қанчалик яхши билса, унинг миллий ҳаёт тарзини ва

унинг хусусиятларини шунчалик чуқур билади, дейди «К проблеме философии языка» китобининг муаллифи, профессор К.Х.Ханазаров. Унинг сўзларига кўра, ўша даврдаги лингвистик муаммонинг энг яхши ечими, бир вақтнинг ўзида учта тилни, яъни, она тили, восита тил ва чет тилини ўрганиш хисобланади. [Ханазаров., 2007; 61].

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев 12 март куни **Германия Федерал канцлери Ангела Меркель билан видеоанжуман** шаклида ўтказилган музокарада немис тилининг ўқитилишига алоҳида тўхталди.

Германия Ўзбекистоннинг муҳим технологик ва инвестициявий шериги бўлиб келмоқда. Учрашувда кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлиш ҳажми 1,5 баробар кўпайгани, 50га яқин янги қўшма корхона ташкил этилганлиги, Ўзбекистонда Германиянинг «MAN», «Claas», «Knauf», «Papenburg» каби машҳур компаниялари фаол ишлаётганлиги, «Volkswagen» ва «Viessmann» компаниялари илк бор юртимиз бозорига кириб келган бўлса, узоқ танаффусдан сўнг «Siemens» ва «Bosch» компаниялари қайтганлиги тўғрисида маълумотлар берилди. Учрашувда қўшма лойиҳалар, ишбилармонларнинг алоқалари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, етакчи немис компаниялари ва банк институтларининг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтиришга келишиб олинди.

Гуманитар алмашинулар соҳасида Ўзбекистонда немис тилининг ўрганилишини кенгайтириш ва бу борада тегишли давлат дастурини қабул қилиш ташаббуси қўллаб-куватланди. Булар янги Ўзбекистоннинг тараққиётидан, халқаро муносабатларнинг яхшиланиши, шу давлаттилининг ўрганилишига бўлган эътибордан далолат беради.

Биргина Германиянинг ўзи билан шунчалик иқтисодий, ижтимоий, гуманитар соҳалардаги ҳамкорликлар давом этмоқда, буларни эса немис тилини юқори даражада биладиган мутахассисларнинг иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди. Демак чет тилларни ўқитишнинг аҳамияти, сифатли кадрлар тайёрлашга эҳтиёж, бундан буён янада ошиб бораверади.

Ёки илм-фан соҳасини олайлик, юртбошимиз Янги Ўзбекистон тараққиётини барча соҳаларда илм-фанга сунган ҳолда амалга оширишни қайта-қайта такрорламоқда. Барча домлалардан илмий мақолаларни Scopus, Web of science журналларида чоп этилиши сўралмоқда, ОТМлар рейтингини чиқаришда ҳам илмий салоҳият баҳоланишида шу талаблар олдинги чиқмода, бунинг учун қайси соҳа ўқитувчиси бўлмайлик мақолаларни инглиз ёки бошқа чет тилида бериш керак, ўзбек тилида эмас. Чунги Times, ARWU каби Халқаро рейтинг агентликлари Scival, PURE платформалари таҳлилларни фақат инглиз

тилида амалга оширади, 100 лаб йиллар давомида ёзган китоб, дарслик, қўлланма, мақола ёки тезисларингиз, чет тилида бўлмаса ҳисобдан ташқарида қола бошлайди. Уларнинг бир қисмини ҳеч бўлмагандага чет тилига таржима қилиб халқаро платформаларга жойлаштириш чорасини қидирамиз. Бу – эҳтиёжки, чет тилининг аҳамияти?

Бухоро вилояти учун яқинроқ бўлган туризм соҳасини олайлик. Уларга чет тилининг аҳамияти ҳақида ақл ўргатиш эмас, фақат ўрганиш керак деб ўйлайман, бозор атрофидаги зиёратгоҳлардаги маҳаллий аҳоли бир неча чет тилида гаплашишни ўрганиб олган. Лаби ҳофуз атрофидаги хорижий меҳмонларга нарса сотиб юрган 8-9 ёшли болаларнинг ҳар бири туристлар билан ўз тилида нималарнидир гаплашаётгани кузатиш мумкин. Бу эҳтиёж натижасида пайдо бўлган, у маҳсулотини сотиш керак, харидор эса ўзбек ёки тожик тилини билмайди, инглиз, француз, хитой, япон ... тилларидаги ўзига, савдо фаолиятига керак лексиконларни ўзлаштириб олади. Мана Арк ёнидаги янги қурилган Бухоро Ейфел минораси, ўз-ўзидан қурилганми? француз тилини биладиган мутахассиснинг, керакли лавозимга келиши, туризмни ривожланишига, француз ҳамкорларни топиши, уни раҳбариятга рўпара қилиши, фояни ўтказа олиши натижасида ушбу иншоотнинг ишга тушишига сабаб бўлган деб ўйлайман. Оқибатда хорижий туристлар ҳам, маҳаллий аҳоли ҳам ташрифи кўпайиб, тушум ортмокда ва янги Ўзбекистон янги Бухоро тараққиётига томчи-томчи ҳисса бўлиб қўшилади, бу ҳам чет тилини билишнинг аҳамияти дейиш мумкин.

Финляндияда Хельсинки университети доценти **Райли Хилден** билан бўлган учрашувда нимага бунча **кўп чет тилларни ўрганасизлар** деб сўраганмизда, чунки бизнинг тилимизни яъни фин тилини фақатгина Финляндияда ва қисман Эстонияда тушунади, биз эса бугун бутун дунё билан ишламоқдамиз ва уларнинг тилларини мукаммал билмас эканмиз, бизнинг мавқемизга путур етиши табиий деб жавоб берди.

Амо шу ўринда савол туғилади, бизда бугун чет тилларидан ОТМларни битириб чиқаётган ёшларимиз шу эҳтиёжларга жавоб бера оладими? Ушбу фанларни ўқитиш сифати, у ерда дарс бераётган профессор ўқитувчилар салоҳияти, фойдаланаётган ўқув дастурларимизчи?

Бундан буён чет тилларни ўргатишда соҳавий хусусиятларни инобатга олган ҳолда ўқитишга эътиборни кучайтириш мақсадгага мувофиқ бўлади.

Янги Ўзбекистон тараққиёти халқаро муносабатларга, иқтисодий ҳамкорликка, яқин ва узоқ қўшнилар билан товар алмашиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, экспорт улушини ошириш каби фаолият турларига суюнilar экан, бу борада чет тилини юқори

даражада билувчи кадрларга эҳтиёжлар сезилаверади. Шундай экан, чет тили сифатида фақатгина инглиз, немис, француз тилларини эмас балки стратегик шерик бўлаётган давлатлар тилларини, корейс, хитой, япон, фин, араб, испан ва бошқа тилларни ҳам ўргатиш тизимини қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Француз тилига ихтисослашган ва ихтисослаштирилмаган бир қатор мактаблар ҳамда талабалар сони нуқтаи назаридан француз тилини ўқитиш инглиз ёки бошқа тилларни ўрганувчиларга нисбатан бошланғич даражасида қолмоқда. Бу биздан университетларда француз тилини ўқитишни такомиллаштиришни талаб қиласи - чунки француз тили ўқитувчиларининг тил амалиёти даражаси ўқитишнинг Давлат стандартлари ва CEFP талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Бундан ташқари, француз тилини ўрганадиган ўқувчиларнинг тил амалиёти даражаси француз тилидаги дарсликлар, мультимедия таъминотлари ва техник ўқув ресурсларини такомиллаштириш орқали яхшиланиши керак,

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугун ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим соҳасида, чет тилларни ўргатиш борасида ҳам сифатга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ, зеро салоҳиятли, чет тилларни мукаммал ўзлаштирган кадрларгина янги Ўзбекистон тараққиётига салмоқли ҳисса қўша олади.

References

1. Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлиланган нутқ, Маърифат газетаси, 2020 йил 1 октябрь, 37-сон, 2-6 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4884-сонли қарори.
3. Ханазаров К.Х. «К проблеме философии языка». – Т.: Ўзбекистон, 2007. П. 57-61.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.

5. Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сонли қарорига илова. [Хттпс://лех.уз/досс/2165717](http://lex.uz/doss/2165717). Халқ таълими журнали, – Т.: 2013. №4 - 144 б. п. 6-8.